

«Туркия бурслари» стипендияси 2018 йил 2-нчи ва 3-нчи давр мурожаат аризаларини топшириш эълони

Талабаларга халқаро сифатда таълим бериш имкониятини тақдим этиш билан бир қаторда, бир қанча соҳада билим ва тўпланган тажрибани ҳам тақдим этган Туркия, жаҳон бўйича мваффақиятли чет эллик талабаларга энг машҳур университетларида стипендияли таълим кўриш имкониятини бермоқда. Биринчи давр мурожаатлари тугаганидан сўнг иккинчи ва учинчи давр мурожаатлари ҳам «Туркия бурслари» стипендияси дастурининг интернет расмий саҳифасида эълон қилинган тақвим асосида олинади. Бунга кўра,

- АҚШ, Афғонистон, Германия, Албания, Австрия, Озарбайжон, Багама, Бельгия, Бирлашган Қироллик, Бурундий, Чехия, Дания, Филиппинлар, Франция, Шимолий Судан, Ҳиндистон, Голландия, Гонконг (САР), Ирландия, Испания, Швеция, Швейцария, Италия, Исландия, Япония, Канада, Қирғизстон, Лихтенштейн, Люксембург, Макау (САР), Мальта, Микронезия, Молдова, Монако, Мьянмар, Непал, Норвегия, Покистон, Португалия, Пуэрто Рико, Сан Марино, Тожикистон, Танзания, Тайланд, Туркменистон, Украина, Вьетнам давлатлари учун **бакалавр ва магистрлик** мурожаати учун **2018 йилнинг 05 февралдан - 05 март** кунлари орасида;
- Андора, Антигуа ва Барбуда, Баҳрейн, Бангладеш, Барбадос, Белизе, Бенин, Белоруссия, Бирлашган Араб Амирликлари, Боливия, Босния ва Герцеговина, Бруней, Болгария, Буркина Фасо, Кап Верде, Жазоир, Жибути, Чад, Хитой, Конго Демократик республикаси, Доминика, Экваториал Гвинея, Индонезия, Эритрея, Эстония, Эфиопия, Марокаш, Кот-д'Ивуар, Фаластин, Финландия, Гвиана, Габон, Гамбия, Гана, Гвинея, Гвинея-Бисау, Гренада, Гуяна, Грузия, Гаити, Хорватия, Ирок, Эрон, Исроил, Ямайка, Камбоджа, Камерун, Черногория, Қатар, Қозоғистон, Комор ороллари, Конго Республикаси, Косово, Кувейт, Шимолий Кипр Турк Республикаси, Шимолий Корея, Куба, Лаос, Латвия, Либерия, Ливия, Литва, Ливан, Венгрия, Мадагаскар, Македония, Малавия, Мали, Маршал ороллари, Мексика, Миср, Мўғулистон, Мавритания, Нигер, Нигерия, Ўрта Африка Республикаси, Ўзбекистон, Палау, Польша, Руминия, Россия, Сант Ките ва Невис, Санта Лусия, Сант Винсент ва Гренадинлар, Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси, Сенегал, Сербия, Сиерра Леоне, Словакия, Словения, Сомали, Судан, Суринам, Сурия, Сауди Арабистон, Тайвань, Того, Тринидад ва Тобаго, Тунис, Оман, Иордания, Венесуела, Йемен, Юнонистон учун **магистрлик** мурожаати иккинчи даврда 2018 йилнинг 05 февралдан - 05 март кунлари орасида; бакалавр мурожаати эса, учинчи давр мобайнида 2018 йил 16 апрель куни- 27 май кунлари орасида қабул қилинади.
- Мурожаатларингиз фақатгина www.turkiyeburslari.gov.tr манзилидан амалга оширилади. Номзодлар, ўзларидан талаб қилинган маълумот ва ҳужжатларни мурожаат тизимига кириб/юклаган ҳолда мурожаатларини амалга оширишади.
- Қўлдан ёки почта орқали амалга оширилган мурожаат аризалари қабул қилинмайди.

«Туркия бурслари» стипендияси

- *Мурожаат қилиш аризалари билан боғлиқ ваколатланган шахс ёки ташкилотлар борми?*

Туркия стипендия дастурига мурожаат қилиш аризаси билан алоқадор ҳеч қандай ваколатланган ташкилот ёки шахс мавжуд эмас. Номзодларнинг шахсан ўзи томонидан www.turkiyeburslari.gov.tr манзилига мурожаат қилиши талаб қилинади. Номзодларнинг мурожаат тизимидаги йўл-йўриқлар ва огоҳлантиришлар эътибор билан ўқиши тавсия қилинади.

- *Мурожаат қилганда ёш билан боғлиқ чеклов борми?*

Мурожаат қиладиган номзодлардан бакалавр учун 21 ёш, магистрлик учун 30 ёш, докторлик учун 35 ёшдан юқори бўлмаслиги талаб қилинади.

- *Мурожаат қилиш учун битирувчи бўлиш шартми?*

«Туркия бурслари» стипендиясига мурожаат қилувчи номзодлар, таълим кўрган таълим муассасасидан битирган ёки шу йилнинг академик дарс йили охирида битирувчи бўла оладиган вазиятда бўлиши керак.

- *Мурожаат пайтида топширилиши мажбурий бўлган ҳужжатлар борми?*

Мурожаат қилиш тизимида, танланадиган университет ва бўлимларнинг SAT, TOEFL, DELF, YDS (Туркиядаги чет тилини билиш савиясига топшириладиган тест) ва бошқа шартларининг таъминланиши керакли бўлиб, талаб қилинган ҳужжатларга эга бўлмаган номзодларнинг мурожаатлари эътиборга олинмайди.

- *Мурожаатларнинг кўриб чиқилиши қай тарзда амалга оширилади?*

Мурожаатларнинг кўриб чиқилишида, номзодларнинг мурожаат критерийларига мос келиши ва академик (дарс) ва ижтимоий муваффақиятлари каби хусуслари эътиборга олинади.

- *Номзодлар истаган бўлимларини танлай олиши мумкинми?*

Номзодларнинг танлайдиган университет ва бўлимлари, мурожаат қилиш тизимида таълим инфраструктурасига кўра автоматик равишда рўпараларида намоён бўлиб, мурожаат тизимида бўлмаган университет ва бўлимлардан ташқари бирон бир университет ва бўлим танлана олинмайди.

- *Батафсил маълумот олиш учун қандай алоқа каналларидан фойдаланишим мумкин?*

«Туркия бурслари» стипендияси ва мурожаатлар тўғрисида янада батафсил маълумот учун www.turkiyeburslari.gov.tr интернет манзилимизга киришингиз мумкин, 0 850 455 0 982 рақамли колл-центрга кўнғироқ қилишингиз мумкин ёки info@turkiyeburslari.org. Почта манзилига хабар юборишингиз мумкин.